



## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА КОРХОНАДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Йўлдошева Мафтуна Бахтиёр қизи**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил  
саноат институти доктаранти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a6](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a6)

**Аннотация.** Мақолада Янги Ўзбекистонда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида корхонада инвестицион муҳит жозибдорлигини таъминлашнинг зарурлиги, моҳияти, омиллари ва вазифалари ёритилган. Шу билан бирга корхона инвестицион фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлили, истиқболлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестициялар, хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари, шакллари ва омиллари, инвестицион муҳит, инвестицион муҳит жозибдорлиги, инвестион фаолият, инвестицион фаолият самарадорлиги.

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОЙ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ НА ПРЕДПРИЯТИИ С ЦЕЛЮ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

**Йўлдошева Мафтуна Бахтиёр қизи**  
Докторант Ташкентского института легкой  
промышленности и текстиля

**Аннотация.** В статье описаны необходимость, сущность, факторы и задачи обеспечения привлекательности инвестиционной среды на предприятии в целях привлечения иностранных инвестиций в экономику Нового Узбекистана. При этом исследовались методы привлечения иностранных инвестиций в инвестиционную деятельность предприятия, анализ возможностей и перспектив их использования.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, методы, формы и факторы привлечения иностранных инвестиций, инвестиционная среда, привлекательность инвестиционной среды, инвестиционная деятельность, эффективность инвестиционной деятельности.

## PROVIDING AN ATTRACTIVE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE ENTERPRISE FOR THE PURPOSE OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS

**Yoldosheva Maftuna Bahtiyor kizi**  
Doctoral student of  
Tashkent institute of textile and light industry

**Abstract.** The article describes the necessity, essence, factors and tasks of ensuring the attractiveness of the investment environment in the enterprise in order to attract foreign investments to the economy in New Uzbekistan. At the same time, methods of attracting foreign investments to the enterprise's investment activities, analysis of opportunities for their use, and prospects were researched.

**Key words:** investment, foreign investments, methods, forms and factors of attracting foreign investments, investment environment, attractiveness of investment environment, investment activity, efficiency of investment activity.

**Кириш.** Ҳозирги кунда иқтисодиёти-мизни янада ривожлантириш, замонавий техника ва юқори технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни ташкил қилиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим аҳамиятга касб этади. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижти-

мой-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини тубдан

яхшилаш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш бўйича устувор вазифалар белгиланган». Бироқ, бундай устувор вазифаларнинг удаланиши, энг аввало, мамлакатда инвестиция муҳитининг тубдан яхшиланишини тақозо этади. Бу ҳақда, юртбошимизнинг «...жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, бу борада жадал ва тизимли иш олиб бориш зарур», «...ҳудудларда ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция жалб қилиш аҳволи талабга жавоб бермайди»[1], деган фикрлари ушбу масалага янада ойдинлик киритади, чунки, бундай шароитда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга мамлакатда кечаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар фонида Ўзбекистонга хорижий инвестициялар кириб келиши иқтисодиёт ривожланишидаги асосий масалалардан бири бўлиб, барча миқёсда, жумладан корпоратив молия даражасида ҳам унга катта эътибор берилмоқда.

**Манба ва адабиётлар таҳлили.** Бир қатор иқтисодчи-олимларнинг тадқиқот ишларида “хорижий инвестиция” тушунчасига турлича таърифлар ишлаб чиқилган. Умуман олганда Ғарб иқтисодчи олимлари ва МДХ мамлакатлари иқтисодчи-олимлари томонидан “хорижий инвестиция” атамасига аниқлик киритишда бир қанча фарқлар мавжуд. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, булардан бири “хорижий инвестиция” атамаси МДХ давлатларида мустақилликка эришилгач, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пайдо бўлганлигидир.

Дж.М.Кейнс инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: “белгиланган даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал қийматининг жорий ўсиши, белгиланган даврдаги даромаднинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми”[2]. Бу ерда инвестициядан кўра жамғариш ҳақида кўпроқ фикр билдирилмоқда. Зеро, истеъмол учун ишлатилмаган даромаднинг бир қисми жамғармадир, жам-

ғарма эса ҳар доим ҳам инвестиция бўлавермайди.

Жамғармани инвестицияга айлантириш учун, пул маблағларини бирор тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш керак, натижада эса бу маблағ ўз эгасига даромад келтириши керак.

Ғарб олимларидан бири М.Сорнаража қуйидагича фикр билдиради:

“Хорижий инвестициялар бу – активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланиш учун моддий ва номоддий бойликларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказилишини англатади”[3]. Муаллифнинг фикрига кўра, юқорида келтирилган икки таърифда ўхшаш нуқтаи-назар мавжуд, яъни инвестициялашнинг мақсадидир. Бу ерда инвестиция киритишнинг мақсади активларни бошқариш ва корхона бошқарувида овозга эга бўлишдир.

Б.С.Жихаревич, Л.Э.Лимонов, Н.Б.Жундалар фикрича, инвестицион жозибаторлик сармояни қўйишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади[4].

Шунингдек, Ю.В. Савельев инвестицион жозибаторликни аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал таркибини таҳлил қилишга асосланган ёндошувини асослашга ҳаракат қилган[5].

Тадқиқотчи Х.Хофизов тадқиқотларида “инвестицион жозибаторлик сифатида иқтисодий тизим барқарор ривожланишига қаратилган иқтисодиётга керакли миқдордаги ва сифатдаги хорижий инвестициялар кириб келишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий шароитларини тавсифловчи иқтисодий категорияларни тушуниш лозим”лиги[6] қайд этилади.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур илмий мақолада гуруҳлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндошув, эксперт ва таққослама таҳлил, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси методлари ва бошқа замонавий усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни.

Маълумки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишдан мақсад корхона бошқарувида иштирок этишдир. Айтиш мумкинки, мазкур таърифлар фақатгина тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳиятини очиб беради.

Хорижий инвестицияларнинг моҳиятини ўзида мужассам этувчи таърифларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида, фикримизча,

қуйидаги бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин: хорижий инвестицияларга хос бўлган муҳим белгиларнинг биринчиси уларнинг, энг аввало, максимал даражада фойда олишга қаратилганидир. Қайд этиш жоизки, инвесторлар маблағларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, ўз мақсадларини кўзда тутадики, улар ҳамма вақт умумиқтисодий фойдалиликка мувофиқ келмаслиги мумкин; хорижий инвестициялар турли (мулкӣ, номулкӣ, интеллектуал ва ҳ.к.) шакл (кўриниш) ларга эга маблағ (ресурс)лардан иборатлиги уларнинг иккинчи муҳим характерли белгисидир; турли кўринишдаги ресурслар инвестицияларга айланиши учун сарфланишини (ҳаракатини) тақозо этиши керак. Бунда инвестицияланаётган ресурслар маълум бир мақсадга йўналтирилганлик характерига эга бўлмоғи лозим. Бу – хорижий инвестицияларга тегишли учинчи муҳим характерли белги; ресурс (маблағ)лар сарфланишини тақозо этганда улар харажатлар тарзида акс этади. Бунда эса капитални жойлаштириш rischi юзага келади. Бу хорижий инвестициялар-

нинг тўртинчи муҳим характерли белгисидир; хорижий инвестициялар бошқа маблағлардан фарқли ҳолда нисбатан узоқроқ муддатга жойлаштирилишини талаб этади. Бу муддат учун, ўз навбатида, индивидуаллик хосдир. Буни хорижий инвестицияларнинг бешинчи муҳим характерли белгиси дейиш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларга асосланган ҳолда хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш ўринли: *субъектлар томонидан нисбатан юқори даражада фойда олиш мақсадида бир мамлакат ҳудудидан мутлоқ бошқа мамлакат ҳудудига муайян муддатга жойлаштириладиган турли кўринишдаги бойликларга хорижий инвестициялар дейилади.*

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар турли мезонлар бўйича таснифланади ва уларнинг умумий таснифини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Хорижий инвестицияларнинг умумий таснифи**

Таснифий белгилари (мезонлари)	Хорижий инвестицияларнинг турлари
Мазмуни ва мақсади бўйича	Тўғридан-тўғри, портфел ва бошқа турдаги хорижий инвестициялар
Мулкчилик тури бўйича	Давлат, хусусий, аралаш шаклдаги хорижий инвестициялар
Мўлжалланган объекти бўйича	Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари, ускуналар, уй-жой қурилиши ёки ижарага бериш мақсадида уй-жойлардан фойдаланиш, захиралар (ҳом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар)
Жойлаштириш шакллари бўйича	Корхоналар капиталида улушли иштирок этиш, хорижий инвесторларга тегишли бўлган корхоналарни, мулкӣ мажмуаларни, бино ва иншоотларни сотиб олиш, акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш, ердан, табиий ресурслардан ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш
Риск даражаси бўйича	Консерватив ва агрессив хорижий инвестициялар
Жойлаштириш муддати бўйича	Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли

*Манба:* тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Турли мезонлар бўйича хорижий инвестицияларнинг таснифланиши уларни жалб қилиш масаласига ҳам бевосита дахлдордир. Бугуни кунда жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, энг оммабоп шакллари сифатида: хорижий сармоя иштирокида корхоналар ташкил қилиш; эркин ёки махсус иқтисодий зоналар ва оффшор зоналарни ташкил қилиш; мамлакат резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни олиш; консорциум, концессия ва альянс-

лар; давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, махсус инвестиция дастурларини жорий қилиш ва ҳ.к.

Хорижий инвестициялар иқтисодиётга турли шаклларда жалб қилиниб, унинг тартиби, тамойиллари, ҳуқуқӣ асослари ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусияти, иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва олиб борилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Жаҳон амалиётига кўра хорижий инвестициялар, асосан, қуйидагиларга бўлинади:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

- портфель инвестициялар;

- бошқа турдаги инвестициялар.

*Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар*

– бу корхонани бошқариш ҳуқуқини берувчи хорижий давлатга капитал қўйилмалардир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хорижий капитал жалб қилишнинг бошқа турларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишлаб чиқариш капитали ва хизмат кўрсатиш соҳаси капиталининг ўсиш манбаи, илғор технологиялар жалб қилиниши, ноу-хау, бизнесни юритишнинг янгича усуллари кибриб келишининг асосий омилдир.

Кредитлар ва қарзлар билан таққослаганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар давлатнинг ташқи қарзини кўпайтирмайди. Бундан ташқари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётни жохон иқтисодиётга энг самарали интеграциялашувини таъминлайди. Шунинг учун миллий иқтисодиётлар биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар.

Барча ижобий жиҳатларга қарамай, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бир қатор муҳим камчиликларга ҳам эга. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий салбий жиҳати – бу компания устидан назоратнинг йўқотилишидир. Корхонани бошқаришда чет эллик мулкдорлар асосан ўзларининг манфаатларини ҳисобга оладилар, бу манфаатлар кўпинча миллий манфаатлар билан мос келмайди. Шу сабабли, кўпгина давлатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бир қатор стратегик муҳим соҳаларга чекланган.

Хорижий инвестицияларга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Булар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллардан иборат бўлиб, сиёсий ва иқтисодий омиллар хорижий инвестицияларни жалб қилишда бирламчи аҳамият касб этади. Улардан асосийлари, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, инфляция, конвертация масаласи, турли кўринишдаги молиявий (солиқ, божхона ва ҳ.к.) имтиёзлар, корхоналарни рўйхатга олишнинг соддалаштирилганлиги, қўшма корхоналар устав капиталини шакллантириш бўйича талаблар, хом ашё ва табиий ресурс кабилардан иборат. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўп омилли жа-

раён бўлиб, бунда қуйидаги омиллар таъсирининг ҳисобга олиниши хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўз навбатида, ушбу омиллар мамлакатнинг инвестицион жозибдорлигини ҳам намоён этади ва инвестиция муҳитининг жозибдорлиги хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим ўринни эгаллайди.

Мамлакатда инвестицион фаолиятнинг тараққиёти, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўлами, аксарият ҳолларда, улар салмоғининг даражаси билан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмоқни ифодаловчи кўрсаткич даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг роли ҳам юқори ва аксинча хулосага келинади.

*Корхонанинг инвестицион жозибдорлиги* – бу унинг ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва ташқи омиллар мажмуи бўлиб, улар асосида потенциал инвестор Корхонангизга пулини йўқотиш ёки тегишлича даромад ололмаслик хатарисиз пулини тика оладиган бўлади.

Инвестор учта асосий омилга таяниб сармоя киритиши мумкин:

- ички ва ташқи омиллар мажмуи асосида;

- инвесторларнинг мақсадлари асосида;

- даромадлилик ва хатар асосида.

*Инвестициявий жозибдорлик омиллари.*


Ҳар бир инвестицияни баҳолашда инвестор корхона инвестициявий жозибдорлигининг ҳам ташқи, ҳам ички омилларини ўрганади.

Ташқи омилларга минтақа, мамлакат ва тармоқнинг инвестицион жозибдорлигини киритиш мумкин. Минтақа ва мамлакат жозибдорлиги табиий ресурслардан фойдаланиш имконияти, барқарорлик, коррупция даражаси, солиқ афзалликлари, бозор очиқлиги, меҳнат ресурслари қиймати ва сифати, инновациялар каби омиллар мажмуидан иборат. Мамлакат инвестицион жозибдорлигини баҳолаш билан халқаро рейтинг агентликлари (S&P, Moody's, Fitch), халқаро ташкилотлар (World Bank, World Economic Forum) ва баъзи нашрлар (Fortune, The Economist) шуғулланади.

Бугунги кунда корхона даражасидан бошлаб то миллий иқтисодиёт даражасигача хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион фаолиятни бошқаришнинг пухта ўйланган, фундаментал назарияларини яратишга эҳтиёж юзага келди. Шу муносабат билан нафақат инвестицион фаолият

муаммосининг категориал аппаратини аниқлаштиришга, балки уларнинг иқтисодий мазмуни ва узвий боғликларини ҳам илмий изоҳлашга зарурият ҳосил бўлди. Мазкур тушунчаларни тизимлаштириш мақсадида хорижлик

иқтисодчилар – Гарвард бизнес мактаби вакиллари Гейн-Хейзлерларнинг «инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси»дан фойдаланиш ўринли бўлади (1-расм).



**1-расм. Гейн-Хейзлернинг инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси**

*Манба:* [www.moodyvs.ru](http://www.moodyvs.ru) - официальный сайт агентства Moody's.

Давлатлар мамлакат инвестицион жозибadorлигини инвесторлар учун рағбатлар тўпламини яратиш орқали яхшилаши мумкин. Масалан, инвестицияларни жалб қилиш бўйича жаҳон етакчиларидан бири Малайзия саналади, у, кема қуриш саноатига инвестициялар жалб қилиш мақсадида, шу соҳага маблағ киритадиган инвесторлар учун 2000 йиллар бошида беш йил муддатга 100 фоизлик солиқ таътилини эълон қилган.

Инвестицион жозибadorликнинг тармоқ омилларига тармоқдаги рақобат даражаси, унинг ривожланиш босқичи, нархларнинг ўсиш суръати, бозор ҳажми ва молиявий аҳво-

ли, шунингдек, энг муҳимларидан бири – бозорга киришдаги тўсиқлар саналади.

Ички омилларга келсак, улар бевосита Корхонанинг ўзига боғлиқ. Бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Инвесторнинг қарор қабул қилишига бу омиллар кўрсатадиган таъсир салмоғи турлича. Масалан, мамлакат ичидаги қурилиш Корхонасига инвестициялар киритишни кўзлаган инвестор қарор қабул қилишда биринчи навбатда Корхонанинг инвестицион жозибadorлигига ва битим натижасидаги шериклик имконияти мавжудлигига қарайди. Бироқ, электроника ишлаб чиқарувчи ва Ўзбекистондаги ушбу тармоққа инвестиция киритиш имко-

ниятини ўрганаётган Европа корпорацияси учун биринчи навбатда мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги муҳим бўлади.

*Жозибадорликнинг ички омиллари* қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Молиявий ҳолат – Корхона молиявий ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг кўплаб услублари мавжуд, лекин амалда инвесторни кўпроқ тушум ўсиши суръати, рентабеллик, ликвидлик, қарз маблағларининг ўз капиталига нисбати қизиқтиради.

2. Менежмент сифати бизнес-жараёнларнинг самарадорлиги, узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва унга риоя этилиши, мижозлар ва етказиб берувчилар билан алоқаларига боғлиқ бўлади.

3. Ишлаб чиқариш ва инвестицион салоҳият – мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва бизнесни келгусида кенгайтириш имконияти. Бу ердаги асосий омиллар – ишлатиладиган технологиялар, меҳнат ресурслари сифати, инвестицион режа ва инвестицион лойиҳаларни самарали бошқаришдир.

4. Юридик жиҳат – инвесторларни бизнес эгалари таркиби, юридик тузилма, асосий активларга ҳужжатлар қанчалик тўғри тўлдирилгани қизиқтиради.

5. Бозордаги барқарорлик корхонанинг йириклиги ва бозордаги унинг улуши ҳамда чиқариладиган маҳсулот диверсификацияси ва маркетинг стратегиясининг самарадорлиги билан белгиланади.

Булар – инвестицион қарорга таъсир кўрсатувчи ва инвестицион меморандумни таҳлил этиш чоғида, шунингдек юридик, молиявий ва амалиёт аудитини ўтказиш жараёнида баҳоланувчи классик омиллардир. Тармоқдан, унинг қўлами ва мамлакатдан қатъи назар, ҳар қандай инвестор биринчи навбатда мана шу омилларни баҳолайди.

Cass Business School бизнес-мактаби ва Intralinks корхонаси “Корхонани харид учун жозибали қиладиган омил” мавзуида тадқиқот ўтказди ва 23 йил давомидаги 34 мингта корхона фаолиятини, 14 мингта битимни ўрганиб чиқди. Тадқиқотга кўра, хусусий корхоналарда битимларни амалга ошириш эҳтимоли тушум ва корхона рентабеллиги ўсишига, унинг қарз ва кредитлари, йириклиги ва ликвидлигига боғлиқ бўлишини кўрсатди.

Агар биринчи тўрт омил ижобий корреляцияга эга бўлса, ликвидликда салбий корреляция кузатилади. Яъни, агар хусусий корхонанинг ўтган йиллардаги тушуми ўси-

ши тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан сезиларли баланд бўлса, бу корхонага инвестор жалб қилиниши эҳтимоли ўртача ўсиш суръатларига эга Корхонаникига қараганда 30 фоизга юқори бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги корхоналарга инвестициялар киритишни кўриб чиқишда хорижий инвесторлар дуч келадиган бир қатор муаммолар мавжуд[7].

*Ривожланиш стратегиясининг йўқлиги* - йиллик бюджетлар бор, лекин 5-10 йилга мўлжалланган узоқ муддатли тасаввур мавжуд эмас.

*Корхона юридик тузилмасининг пухта эмаслиги* - шу билан бирга, бир нечта ўзаро боғлиқ бўлмаган юридик Корхона умумий бизнес таркибига киради.

*Молиявий ёки бошқарув ҳисоботи нотўғри юритилиши* - жамланма бошқарув ҳисоботининг мавжуд эмаслиги, шунингдек тасдиқланмаган айланмалар.

*Инвестор учун солиқ ва юридик хатарлар мавжудлиги* - активлар олди-сотдиси бўйича битимларнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги.

*Сунъий равишда юқори баҳолаш* - қиймат асосланувчи мавжуд бўлмаганда корхона қандай баҳоланиши лозимлигини инвестор жуда яхши тушунади.

*Корпоратив бошқарув заифлиги* - барча бизнес-жараёнлар битта менежерга боғлиқ бўлиб, усиз қарорлар қабул қилинмайди. Уларнинг баъзилари объектив, яъни бевосита корхона билан эмас, балки маҳаллий қонунчилик ва умуман, иқтисодиёт билан боғлиқ. Уларга юқоридаги жадвалнинг 2-бандини, қисман 3 ва 4-бандларини ҳам киритиш мумкин.

Субъектив омилларга келсак, бу ерда ҳамма нарса кўп жиҳатдан корхона топ-менежментига ва унинг самарадорлик ортишидан манфаатдорлигига боғлиқ. Масалан, ривожланиш стратегиясини олайлик. Инвестор учун бунинг муҳимлигига бир қанча сабаб бор:

-стратегия ташкилотнинг самарали тузилмасини ташкил этиш имконини беради ва иккинчи даражали бўлинмаларнинг кенгайишига йўл қўймайди;

-у бизнес эгаси, топ-менежмент ва оддий ходимларнинг бизнеснинг узоқ муддатли ривожланиши тўғрисидаги тасаввурларини мувофиқлаштиради;

-бизнеснинг инвестиция киритиш керак бўлган ва энг кўп фойда келтирувчи йўналишларини белгилайди;

- инвестор нуқтаи назаридан, стратегия Корхона узоқ муддатли ривожланиши истиқболларини англаш имконини беради, бу, ўз навбатида, корхонанинг бўлажак молиявий кўрсаткичлари ва бизнесини баҳолашнинг асоси бўлади.

Бизнесни баҳолаш амалиётида хорижий инвестор маслаҳатчини ёллайди, у корхонани учта услуб бўйича баҳолайди [8]:

1. *Ўхшаш битимлар услуби* – ўхшаш ўлчамлардаги (тармоқ, йириклик, мамлакат бўйича) Корхона инвестиция объекти бўлган ҳолат танланади ва у баҳоланаётган Корхонага нисбатан қўлланилади.

2. *Оммавий корхоналар услуби бўйича* – фонд биржасида савдода бўлган ўхшаш ўлчамлардаги (тармоқ, йириклик, мамлакат бўйича) Корхоналар бўйича статистика йиғилади ва у баҳоланаётган Корхонага нисбатан қўлланилади.

3. *Дисконтланган пул оқимлари услуби бўйича* – корхонанинг беш йиллик молиявий режаси тузилади ва дисконтлаш коэффициентини ҳисобга олганда, ушбу ва кейинги даврларда Корхона қанча ишлаб топиши ҳисоблаб чиқилади (инвестор учун хатар даражасини белгилловчи фоиз ставкаси).

#### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг мақсади билвосита, тартибга солинувчи воситалар орқали иқтисодиёт тузилмасига таъсир этишдан иборат. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мамлакат ва тармоқ доирасида давлат томонидан тартибга солиниши, капитал-

ни қайта тақсимлаш орқали асосланмаган фарқларни юмшатиш бўйича тадбирларни ўз ичига олади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг энг мақбул тузилишини шакллантиришга хизмат қилади.

2. Хорижий инвестор томонидан бизнесни баҳолаш ўтказилганидан кейин, инвесторда ушбу корхона учун қанча тўлашга тайёр эканлиги хусусида тасаввур шаклланади. Бироқ, бизнеснинг амалдаги эгасида ўз бизнесини баҳолаш бўйича бутунлай бошқача ёндашув бўлиши мумкин ва инвестор ҳамда бизнес эгаси мўлжаллари ўртасидаги фарқ катта бўлиши ҳам кузатилади. Бундай тушунмовчилик ва англашмовчилик кўп учрайди, у битим бузилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли инвесторлар билан музокаралар бошланишидан олдиноқ бизнес қийматининг мустақил баҳоланиши ўтказиш тавсия этилади.

3. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида корхонада инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш юзасидан битимни муваффақиятли яқунлаш учун хорижий инвесторни жалб қилишдан олдин ҳисобга олиш керак бўлган кўплаб омиллар ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар мавжуд. Бироқ, уларнинг аксарияти салоҳиятли бошқарув жамоаси ва тажриба маслаҳатчи мавжуд бўлса, ҳал этиладиган масалалар. Қолаверса, корхона инвестицияолди тайёргарлик босқичида амалга оширадиган инвестициялар бизнес қийматини ошириб, компанияни инвестор нутаи-назаридан шаффоф ва тушунарли қилиб, харажатларни бир неча баробарга қоплайди.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 март куни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилишида сўзлаган нутқи* (<https://president.uz/uz/2441>).
2. Кейнс Дж.М. *Общая теория занятости, процента и денег.* - М., 1978. -128 с.
3. *The international law on foreign investment, M Sornarajah - 2017 - Cambridge University Press.*
4. Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. *Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах.* – М.: Юрайт, 2014
5. Савельев Ю.В. *Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике.* – 4-изд.Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2021 г. – 516 с.
6. Хофизов Х. А. *Инвестиционное обеспечение освоения и использования природно-ресурсного потенциала региона. (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан). Автореферат Дис.с.уч.степ. к.э.н. Душанбе – 2019*
7. Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. *Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента//Иқтисодиёт ва таълим, 2021.-№3, с.96-103.*
8. Джамалов Х.Н. *К вопросу методов оценки финансовой устойчивости предприятий малого бизнеса и её факторов// Международный научный журнал «Учёный XXI века» № 3-2 (62), март 2020 г. С.50-59*